

TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda
asos solingan

2024-yil 14-dekabr / SHANBA / № 99 (13758)

Муносабат

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани азалдан ўзининг табиати ва хушманзара жойлари билан дам олувчиларни ҳайратга солиб келган. Худуд туризм ривожига катта ҳисса қўшишга энг қулай манзил саналади. Президентимизнинг Бўстонлиқ туманига ташрифи ўзига хос қувончли ҳодиса бўлди.



Бўстонлиққа борсангиз агар...

Хусусан, бу ташриф ҳудудда ўз ечимини кутиб турган кўплаб масалалар қатори Бўстонлиқнинг драйвери бўлган экотуризмни янада ривожлантириш борасида амалий кўрсатма ва йўл-йўриқлар берилгани билан гоят аҳамиятлидир.

Шу ўринда айтиш керакки, туризм соҳаси дунё иқтисодининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Унинг кенг қамровли тараққиёти эса, кўплаб мамлакатлар учун катта даромад манбаига айланиб улгурган.

Ўзбекистон ҳам бугун дунёнинг кўплаб давлатлари қатори ушбу соҳани янада ривожлантириш, бу борада тегишли инфратузилмани жаҳон стандартлари даражасида яратиш ва сайёҳлар оқимини ошириш бўйича барча чора-тадбирларни

амалга оширмоқда. Келгусида сердаромад мазкур соҳа тармоқларини ривожлантириш, ҳудудларнинг, аynиқса, табиатнинг, геотизимларнинг экотуристтик ресурслари ва имкониётларидан янада самарали фойдаланиш иқтисодиётимизга жуда катта фойда келтириши аниқ.

Бўстонлиқ тумани ҳам мана шундай экотуристтик потенциали юқори ҳудудлардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда хушманзара тоғлар бағридаги ҳудудда инфратузилма яхшиланиб, йилнинг барча фаслида мароқли ҳордиқ чиқариш имкониётлари яратилди. Дам олиш, соғломлаштириш, чанги, саёҳат, умумий овқатланиш мажмуалари барпо этилди. Эски сиҳатгоҳ ва болалар оромгоҳлари янгиланди.

2

Камбағалликдан — фаровонлик сари

МАҚСАД — ОИЛАЛАРГА БАРАКА КИРСИН



Мамлакатимизда камбағал оилалар ҳаётини ўзгартириш, турмуш тарзини яхшилаш мақсадида “Камбағалликдан — фаровонлик сари” дастури амалга оширилмоқда. Улар билан ишлашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги давлатимиз раҳбари томонидан аниқ белгилаб берилди. Дастурга кўра, ҳудудлардаги ҳар бир раҳбарга бештадан камбағал оила бириктирилди. Раҳбарлар оила аъзолари билан суҳбатлашиб, нима муаммоси борлиги, қандай ёрдам кераклигини аниқлаб, ишга киришиди.

2

Пискент: ҳаётбахш ислоҳотлар манзили



Музаффар АРИПОВ,
Пискент тумани ҳоқими

Қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган қўхна Пискент не-не олимлару фозилларга, азиз-авлиёларга, савоб йўлида ер очган, сув келтирган саховатпеша инсонларга, нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда машҳур бўлган қураги ерга тегмаган алпқомат полвонларга бешик бўлган муаззам ва мунаввар заминдир.

“Тошкент ҳақиқати” минбари



4

Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек забардаст шоҳ ва шоир ҳам бу қадим гўшани ўзининг мемуар асари — “Бобурнома”да жуда гўзал таърифлаган. Шунинг учун ҳам бу туманда миллий қадриятлар ва урф-одатларимиз гоят қадрланади. Пискентликларга хос бўлган ишбилармонлик, деҳқончилик, боғдорчилик ва тадбиркорликка ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.



Вилоят бўйлаб

Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев **НУРАФШОН шахрида** Финляндиянинг Лапландия вилояти губернатори бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқотда икки давлат ўртасида таълим, қурилиш, туризм ва савдо йўналишларидаги ҳамкорликни ҳудудлар миқёсида ҳам фаол давом эттириш борасида фикр алмашилди. Учрашув якунида икки томонлама ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Ш. Ҳошимов бошчилигида тузилган ишчи гуруҳ аъзолари **ЯНГИЙЎЛ шахрининг** “Қовунчи тепа” ва “Мевазор” маҳаллаларида учрашув ўтказишди. Мулоқотда “маҳалла еттилиги” томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъулларга топшириқлар берилди.

ОҚҚЎРҒОН тумани Ахборот-кутубхона марказида истеъдодли шоир Ҳамид Олимжон таваллуд тоғлан кун муносабати билан адабий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда 12-мактаб ўқувчилари шоирнинг гўзал шеърларидан ўқиб беришди. Шунингдек, кечада “Шеърятга бағида умр” номли китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

ЧИРЧИҚ шахридаги “Нуронийлар маскани”да ёши улуг отахонлар ва шаҳар жамоатчилиги кенгаши аъзолари иштирокида тадбир ўтказилди. Бир пиёла чай устида кечган мулоқотда “Обод маҳалла”, “Камбағалликдан — фаровонлик сари”, “Яшил макон” дастурлари доирасида маҳаллаларда олиб борилаётган ишларнинг натижадорлиги ҳамда ижтимоий масалаларнинг ҳолати юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилишига доир чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тадбиркорлик

ИШ БИЛГАНГА — 1000 танга

Бугун дунёда давлатлар ўзининг моддий имкониётларини кўпроқ илми, салоҳиятли, ишбилармон одамлар ҳисобига оширяпти.

Иқтисодиётнинг ривожланиши, турмуш тарзининг яхшиланиши ва аҳоли бандлигининг таъминланишида тадбиркорларнинг ўрни катта. Мамлакатимизда ҳам бу соҳага катта эътибор қаратилган. Тадбиркорларни шахсан Президентимиз кўллаб, илҳомлантириб, моддий-маънавий рағбат бериб турибдилар. Лекин тадбиркор ҳам ўз устида тинмай ишлаб, янги гоё, бизнес режаларни амалга оширсангина назарга тушади. Қйрайлик Дилшод Солиҳов ҳам ана шундай изланувчан, тиниб-тинчимас тадбиркорлардан.



2

Обуна-2025 Азиз дўстлар!

“Тошкент ҳақиқати” газетасига
2025 йил учун обуна бўлишни унутманг.

Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта — чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслақдош бўлишга кафолат берамиз!

Унутманг, оилада китобхонлик маданияти газета ўқишдан бошланади!

Боғланиш учун телефонлар: (55) 520-21-20; (97) 432-00-35

Нашр индекси — 205



Тошкент вилоятда жами 1 минг 25 та маҳалла бўлиб, йил бошида ишсизлар сони 62 минг 670 нафарни ташкил этарди, бугунга келиб уларнинг 54 минг 518 нафари ишга жойлаштирилди. Бу натижага эришишда маҳаллаларда йўлга қўйилган "Сайхунобод",

чорвачилик. Маҳалла еттилиги камбағалликни қисқартириш, ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш учун ҳамжихатликда ҳаракат қилишмоқда. Хусусан, 35 та оила вилоят ташкилотлари раҳбарларига бириктирилди. Ҳураганида 410

ёшидаги болалари бор оилаларга дарс тайёрлаш учун шароитлар ҳозирлаб берилди. Шунингдек, вилоят Солиқ бошқармаси томонидан 13 та камбағал оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 6 тасига тикув машинаси, бир оилага она-бола қорамол,

линим эса иккинчи гуруҳ ногирони, – дейди Зулайҳо опа. – Маҳалладан келиб, шароитимизни ўрганишди. Парранда боқишга қизиқишимни билиб, 40 бош товуқ беришди. Ўғлим Зиёдулла компьютерларга техник хизмат кўрсатишга ўқиган. Шунинг учун унга замонавий ком-

ўрганиб чиқилиб, ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан банкдан 33 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Б. Раимов уч сотихли иссиқхона куриб, бошланишига кулпундай экди. Ҳосилдан келган даромадга чорва сотиб олди. Ҳовлисининг бурчагида парранда боқяпти, асаларчиликни ҳам йўлга қўйди.

– Камбағалликни қисқартириш учун биринчи навбатда аҳолининг дунёқарашини ўзгартириш керак, – дейди маҳалла раиси Алишер Устакаримов. – Яъни, одамларга ислохотлар учун бўлаётганини тушунтириб, фойдаланишни ўргатиш керак. Токи, аҳоли меҳнат қилиб, даромад топиб, яхши яшашга интилсин. Бунинг учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилмоқда. Жамиятда барча учун тенг бўлган, ўз имкониятлари, истеъдодини тўлиқ намоён қилишга кўмак берадиган тизим шакллантирилди. Шунга яраша одамлар ҳам боқимандалик кайфиятидан чиқиши, ташаббус кўрсатиши, янги-янги гоёларни ўртага ташлаши, ислохотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси билан яшаши керак. Аслида, оиласининг фаровон яшаши одамнинг ўзига боғлиқ. Берилган ёрдамдан тўғри фойдаланиб, оёққа туриб олгач, бу ёғини ўзи эплаб кетиши керак.

Гапнинг очиги ҳам шу. Президентимиз бошлаган бу хайрли ишга ҳужажуринга киришиб, сохта рақамлар ортидан қувилмас, албатта, қўзланган натижага эришилади. Вилоятимизда ҳам бу борадаги ишлардан қўзланган мақсад битта – одамларнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириш, камбағал оилаларга фаровонлик, баракка олиб кириш.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

БЎСТОНЛИҚҚА БОРСАНГИЗ АГАР...

Беш йил аввал туманда 2 минг 240 ўринли 26 та маскан мавжуд эди. Шу даврда соҳага 2 триллион сўмдан зиёд инвестиция киритилиб, 13 мингдан кўп ўринга эга 59 та йирик туризм иншооти ишга туширилди. Асосий автомобиль йўли таъмирланиб, қўшимча йўллар қурилди.

Булар натижасида туризм жадал ривожланди, ташриф буюрувчилар 12 баробарга ошди. Уша пайтлар Бўстонлиққа йилига 850 минг сайёҳ келган бўлса, жорий йил 11 ойнинг ўзига 12 миллион меҳмон келган. Айниқса, Чимён-Чорвоқ зонаси доирасида экотуризм хизматларини кўрсатаётган туроператорлик фирмалари самарали фаолият юритмоқда.



Эндиликда Чирчиқ дарёси бўйида қуриладиган "Чорвоқ дарвозаси" туристик мажмуасида мавсумийлари билан бирга 2 минг 500 та иш ўрни яратилиши ҳудуд аҳолисининг турмуши янада фаровонлашишига катта ҳисса қўйиши муқаррар.

Бинолар тепасига қуёш панеллари ўрнатилиши муқобил энергиядан самарали фойдаланиш имкониятини яратиши баробарида ҳудуднинг яшил иқтисодийоти ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг хизмат турларини кўпайтириб, фаол туризмни ривожлантириш, бундай мажмуаларни бошқа туманларда ҳам лойиҳалаштириш бўйича берган кўрсатмаси соҳада фаолият юритувчи тадбиркорларимиз учун катта имконият эшигини очди. Шунингдек, ҳудудда экологияга алоҳида эътибор бериш, яшилликни кўпайтириш муҳимлигига эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Зеро, республиканинг туризм салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, биринчи навбатда транспорт-логистика ва туризм инфратузилмасидаги муаммоларни тезкор ҳал этиш, мавжуд ресурслар ва имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча шароитлар яратиш устувор вазифа ҳисобланади.

Умуман олганда, Ўзбекистон йирик туризм салоҳиятига эга мамлакатлар қаторида ўз ўрни ва аҳамиятига эга экан, демак, биз мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимиз керак.

Тўлқинжон ФАЙЗИЕВ,
ЎзЛиДеП Тошкент вилояти
Кенгаши раиси

МАҚСАД – ОИЛАЛАРГА БАРАКА КИРСИН



"Ҳўчи", "Зарбдор" ва "Ғиждувон" тажрибаларининг роли катта бўлди. Шунингдек, хатлов натижасида 68 минг 200 та оила камбағал деб топилиб, уларни босқичма-босқич камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилмоқда. Бу жараён Оққўрғон туманининг "Ҳонобод" маҳалласида ҳам қизгин кечмоқда. Маҳалладаги 787 та хонадонда 4 минг 485 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худуднинг асосий драйвери – деҳқончилик ва

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



нафар ишсиз фуқаро аниқланган бўлса, бириктирилган ташкилотлар ҳамда маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари натижасида 406 нафарининг бандлиги таъминланган. Улардан 367 нафари ўз ўзини банд қилиб, ҳозирда яхшигина даромад топмоқда, 39 нафари эса доимий ишга жойлаштирилган.

Вилоят прокуратураси томонидан 3 та оилага 5 кВт.ли қуёш панели ўрнатиб берилди, 3 нафар боланинг боғчада бепул таълим олишига кўмаклашилди, мактаб

2 тасига 40 донадан товуқ тарқатилди. Яна 2 та эҳтиёжманд оила фарзандларининг олти ойлик боғча пули тўланди.

Зулайҳо Абдураҳмонова шу маҳалланинг Амир Темур номи кўчасида яшайди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, оилапарварлиги билан маҳаллада ҳурмат топган. Автохалокат сабабли турмуш ўртоғидан эрта айрилган Зулайҳо опа икки нафар ўғлини ёлғиз тарбиялади.

– Зиёдулла ўғлим биринчи, кел-



пьютер ва рангли принтер, келинимга тикув машинаси беришди. Ҳозир маҳалладошлар, ёш келинлардан буюртмалар тушиб турибди. Энг муҳими, болаларим ўзини ўзи банд қилиб, рўзгорининг кам-кўстини тўлдиришяпти. Биз каби оилаларга ёрдам бераётганларга катта раҳмат.

Шу маҳаллалик Бехзод Раимов хонадонбай ўрганишлар чоғида иссиқхона куриш нияти борлигини, аммо моддий имконияти етмаётганини айтганди. Унинг ҳам шароити

Матбуот анжумани

Тошкент шаҳрида "ОКМКда инвестиция лойиҳаларининг ижроси" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ОКМК масъуллари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБИ

Тадбирда комбинат Ахборот хизмати раҳбари Умида Қаршибоева, Инвестицион ва капитал қурилиш департаменти бошлиғи ўринбосари Обиджон Жонсаидов ҳамда "Ёшлик-1" кони лойиҳа офиси директорининг биринчи ўринбосари Азиз Муротов сўзга чиқиб, ОКМКда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ижроси бўйича маълумот беришди.

Таъкидланганидек, Олмалик кон-металлургия комбинати мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бўлиб, мис, молибден, полиметалл ва олтин таркибли маъданларни қайта ишлашда Марказий Осиёдаги етакчи корхона саналади. Комбинатда 2017-2024 йиллар давомида 4,5 миллиард доллар миқдордаги инвестициялар ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,8 баробар, маҳаллийлаштириш даражасини эса 7,7 баробарга оширишга эришилди.

Қайд этилганидек, "Ёшлик-1" кони муваффақиятли ўзлаштирилган, ушбу лойиҳа доирасида янги 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланди. Мазкур фабрика энг йирик инвестиция лойиҳаларидан бири бўлиб, тўлиқ якунига етгач, комбинатнинг ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробарга ошади. 2030 йилга бориб, ОКМКнинг мис ишлаб чиқариш қуввати 500 минг тоннага, олтинини 50 тоннага, кумушни 270 тоннага етказиш режа қилинган.

Айтиш жоизки, ўтган йилларда комбинат кўплаб ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтди. Хусусан, Япония, Корея Республикаси, Германия, Финляндия, Буюк Британия, Хитой, Сингапур давлатларидаги йирик инвесторлар билан алоқалар ўрнатилди.

Эътиборлиси, ОКМК республикада биринчилардан бўлиб давлат кафолатисиз хорижий кредитларни жалб қилишда янги қадамларни ташлади. Жорий йилда ушбу йўналишдаги инвестициялар 1,8 миллиард долларга етади.

Шунингдек, матбуот анжуманида 4-мис бойитиш фабрикаси қурилиши бўйича ҳам маълумот бериб ўтилди. Ушбу фабрикага жорий йилнинг 15 октябры куни старт берилган бўлиб, унинг ишга туширилиши натижасида йилга 60 млн. тонна маъдан қайта ишланиб, 800 минг тоннадан ортиқ мис концентрати ишлаб чиқарилади, 3 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Яқинда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

ИШ БИЛГАНГА – 1000 танга

Илк фаолиятини ўз хонадонидан оддий пайвандчиликдан бошлаган Дилшод Солиҳов кейинчалик ишини замонга мос ҳолда кенгайтириб, ҳозирда "Grizzly" тренажёр ускуналари ишлаб чиқариш цехига бошчилик қилади. Қўрай туманининг "Истиқлол" маҳалласида ташкил қилинган мазкур цех тўрт йилдирки, импорт ўрнини тўлдириб, маҳаллий харидорларини кўпайтирмоқда.

Цехда асосан буюртма асосида спорт анжомлари, жумладан, велотренажёрлар, гантел, ғилоф, турли хил аксессуарлар тайёрланади.

Мижозларга тақдим этиладиган буюмлар орасида яна бир камёб ускуна ҳам борки, буни кўриб, ҳеч ким қилмаган ишга қўл ургани учун тадбиркордан миннатдор бўлди. Бу – имконияти чекланган инсонлар учун махсус тренажёр ускунаси. Бундай ускунанинг дастлабкилари илк мижозларини топиб улгурган.

"Бу гоё хаёлингизга қардан келди", деган саволимизга тадбиркор шундай жавоб берди:

– Интернетда кўп кўраман, Япония, Германия каби ривожланган давлатларда имконияти чекланган инсонлар учун турли қулайликлар яратилган. Мен ҳам уларни даволайдиган, ҳеч бўлмаса ҳаракатланишига ёрдам берадиган нимадир яратгим келди ва цехимизда имконияти чекланганлар учун махсус тренажёр ускунаси тайёрлаш фикри туғилди. Уни бошқа тренажёрлардан фарқи – танасининг

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

айрим қисмларида ҳаракати чекланган инсонларни чиниқтиришга ёрдам беради. Қолаверса, унга чиқиш, фойдаланиш осон, йўқилиб тушиш эҳтимолининг олди олинган. Цехимиз асосан буюртма асосида ишлагани учун, усталар ускунани беморнинг умумий аҳволи ва ҳаракатланиш имконияти билан танишган ҳолда ясаб беришади.



Тадбиркорнинг айтишича, цехда ишлаб чиқарилаётган бошқа буюмларнинг гоёсини ҳам интернет орқали ўрганган. Эндиликда цех маҳсулотларига республикамизнинг бошқа вилоятларидан ҳам буюртмалар кўпайпти. Бундан англашиладики, бизнинг усталар ҳам япон ва хитой иxtирочиларидан қолишмайди.

Эътиборлиси, ясаляётган тренажёрларнинг темир мосламаларини эркак ишчилар

яшаса, устидаги чарм қопламаларини аёллар тикиб, тайёрлаб беришади. Қолган ходимлар уларни йиғиш билан шугулланишади.

Цехда жами 9 киши ишлайди. Тадбиркор ишчи кучи масаласини ҳам гоёт ишбилармонлик билан ҳал этган. Цехга қишлоқда иш топишга қийналаётган одамлар жалб этилган. Уларга иш ўргатилиб, хунарли қилинган.

Д. Солиҳов фақат спорт буюмлари ишлаб чиқариши билан чекланиб қолмади. Яқинда у яна бир ишга қўл урди. Яъни, "Сymburger" иссиқхоналарини ўраш учун қоплама ва турли кўринишдаги полиэтилен пакетлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Янги цехда оддий пакетлар билан бирга, буюртмачининг истагига кўра бренд номи ёзилган турли ҳажм ва шаклдаги пакетлар ҳам ишлаб чиқарилади. Бу цехда ҳозирча иккита ишчи меҳнат қилляпти.

Дарвоқе, тадбиркор 40 сотих ташландиқ ерни тозалаб, 125 туп павлония, 125 туп мевали дарaxтлар экиб, парваришляпти.

Муҳими, вилоятимизда ҳалол меҳнати ортидан оила тебатиб, ҳамюртларини ҳам иш билан таъминлаётган тадбиркорлар кўпаймоқда.

Маҳмуда ИСАБОВА

Тақдирот

Устоз шоир ва адиб Барот Исроил яқинда навбатдаги асар – "Асрийнома ёхуд Баротийнома" номи китобини ўқувчилар эътиборига ҳавола этди. Тўплам унинг етмиш йиллик кундаликлари асосида ёзилган. Филология фанлари доктори, профессор Исомиддин Ёрматов янги асар сўзбошисида шундай дейди:

"Айрим ижодкорлар кексайгани сари кам ёзадиган бўлиб қолишади. Яқинда муҳтарам Президентимизнинг илиқ эътирофларига сазовор бўлган Барот Исроилда эса бунинг акси. Шундай экан, биз у кишидан яна кўплаб янги асарларни кўтиб қоламиз."



ЕТМИШ ЙИЛ ЁЗИЛГАН КИТОБ

Куни кеча Оҳангарон шаҳридаги 6-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида "Асрийнома ёхуд Баротийнома" китобининг тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси Абдусамад Носиров, меҳнат фахрийси Абдуҳошим Муталов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Раҳматилла Шералиев, тадбиркор Шунқор Умирзоқов, техника фанлари доктори Абдурашид Ҳасанов, шоирлар

Ашурали Боймуродов, Зоҳиджон Олов ва бошқалар китобнинг маънавий-маърифий аҳамияти тўғрисида гапирди.

Устоз Барот Исроил мазкур китобини ҳазрат Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридан тўлқинланиб ёзганини фахр билан сўзлайди. Ҳазрат Навоий мазкур асарда ўз замонасининг тарихий воқеаларини холисона ёритиш билан бирга ўша давр ижодкорларидан беш юзга яқин шоир ва олимларни тўғрисида иш-

нарли маълумотлар бериб, ўз қарашларини баён этган. Барот Исроил ҳам китобда ўзи билган, таниган, суҳбатлашган, учрашган адиблар, арбоблар, шунингдек, бугунги кунда ҳам ижод қилаётган шоир ва олимлардан тўрт юзга яқини ҳақида қимматли маълумотларни баён этган.

Дарҳақиқат, тоғлар бағрида вояга етган Барот Исроилнинг асарларини ўқиб, Тошкентнинг майин ва мусофиро ҳавосини ҳис этасиз, қандайдир сокинлик ва илиқлик

кайфиятингизни кўтаради. Дарвоқе, устознинг Тошкентдаги хонадонига келган одам унинг шахсий кутубхонасидаги ўн мингдан ортиқ китобни кўриб, хайратга тушади.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошўлат Маткаримов, хонанда Кимёхон Қосимова шоир шеърларига бастананган қўшиқларни ижро этиб, даврага фойз киритишди.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Ушанда еттинчи синфда ўқирдик. Яхши китобнинг “таъмини” ола бошлаган кезларимиз. Ёзги таътидан бошлаб қолган таътил ва дам олишлар асосан пахта даласида ўтарди. Китоб ўқиш учун энг қулай пайт далада ишлаб юрган даврларда асосан тушлик вақти эди. Бундай пайтда на бригадир, на ҳисобчи гапиролмасди. Тушлик вақтини қандай ўтказиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Бизнинг бригадада тушлик вақтидан унумли фойдаланиб, бадий китоб ўқиш анча

яхши йўлга қўйилган эди. У пайтларда катталар ва ёшлар ўртасида китобхонлик авж олган эди. Одамлар бирор-бир яхши китобни ўқисалар дўстларига, фарзандларига, тенгдошларига, албатта, илинардилар. Суҳбатлар асосан китоб ҳақида бўларди. Яхши китобнинг тарғиботчиси сероб эди. Ҳозир у даврлардаги ашаддий китобхонлик, самимий китобсеварликни эсласак, эртатка ўхшайди, фарзандлар ё набираларга айтсак, ишонмайди...



Кундаликдаги қайдлардан: 2013 йил, 15 март.

Бугун ишдан сўнг ҳамкасб дўстларимиз Шоҳаҳор Салимов ва Юсуф Абдуллаев билан бемор ётган Уткир Хошимовни кўргани бордик. Бизни одатдагидек ўлмас опа кутиб олдилар. Уткир ака анча кичрайиб, кўзлари чўкиб, бироз озиб кетган эди. Овози чўкмайди. Пичирлаб гаплашади. “Мен соқов, опангиз кар”, дейди. “Худога шукр”, деб қайта-қайта пичирлайди.

Бедаво дард ўзбекнинг яна бир катта адабини емириб бораётган эди. Уткир ака нураб бораётган қояга ўхшарди.

2013 йил, 22 апрель.

Бугун яна Уткир акани зиёрат қилдик. Аҳволи яхши эмас. Овози эшитилмади. Зўрага пичирлаб, қийналиб гаплашади.

– Нимаики ёзган бўлсам, юрагимдан ўтказиб ёздим. Одам ўзини ҳам, соғлигини ҳам ўйлаб ёзиши керак экан...

– Авлодларимдан, набираларимдан ёзувчи чиқисини истамайман. Ёзувчилик азоб, изтироб экан...

– Динда ҳикмат кўп экан. Оғриқ қучайганда Оллоҳимга астойдил илтижо қилсам, оғриқ босилади...

Уткир ака сўнгги нафасини кутиб ётган ярадор шерга ўхшарди.

2013 йил, 24 май.

Тунги соат бешларда ёзувчи акаимиз Хурийд Дўстмуҳаммад телефон қилиб, “Уткир акани бериб қўйди”, деди. Бутун олам музаб кетгандек бўлди. Қўларимга ёш келди. Чунки мен сеvimли ёзувчимдан жудо бўлган эдим...

Уткир ака Қозировот қабристонига, оналарининг ёнларига қўйилди. Узлари васият қилган экан...

Уша кўни Гафур Фулом боғида катта китоб байрами бўлаётган эди. Уткир Хошимов китоблари қизгин сотилди ва бир зумда туғди. Бир талаба қиз дод солиб йилгади: “Нега, менинг сеvimли ёзувчим ўлади, нега?” Қизга қўшилиб йиллаганларни кўрдим. Аслида бу улўф ёзувчига бўлган сўнмас меҳр ифодаси эди...

Ёзувчи бир ўринда шундай дейди: “Китобхон меҳрини ялиниб ҳам, “зуравонлик” қилиб ҳам, сотиб олиб ҳам бўлмайди! Худо китобхон меҳридан бегона қилмасин!”

Уткир ака инсон сифатида самимий ва бағрикенг эди. Устозлари, дўстлари ва шогирдларига яхшилик қилишдан чарчамасди. Сеvimли ёзувчимнинг ҳимматидан, яхшиликларидан бир ука сифатида камина ҳам баҳраманд бўлганман. У киши менинг “Саҳифага сизга сатрлар” китобимга сўзбоши ёзиб берганларини ҳамон миннатдорлик билан эсламан.

Машҳур адиб ва самимий инсон, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Хошимов китоблари қайта-қайта нашр этилмоқда, ҳамон сеvim ўқилмоқда, демак, ёзувчи ҳаёт. Унинг умри давом этапти. Халқ қалбидан жой олган ёзувчилар ўлмайдилар.

Ашурали Жўраев

Ёзувчилик изтироб экан...



ЎТКИР ХОШИМОВ

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Ҳамкасбларга ёзиб бердим. Яна нашариядан оламан, шунда ёзиб бераман. Агар қолган бўлса, “Тошкент” вокзали ёнидаги китоб дўконида бор экан”, деди. Бу хушхабарни эшитиб, вокзал томон учдим. Китоб дўконига кириб “Нур борки, соя бор”ни сўрадим. Пештахта остидан олиб берган сотувчи қиз: “Омадингиз бор экан, охиригиси”, деди. Уша захоти орқага қайтиб, Уткир акадан дастхат ёздириб олганман.

Бонлиги ва самимийлиги билан китобхонларнинг ҳам оналарига ўхшаб кетади. Уни ўзбек оналарига қўйилган ҳайкал дейиш мумкин.

Қисса дастлаб “Гулистон” журналида босилган эди. Журнал қўлма-қўл бўлиб ўқилгани ҳамон эсимизда. Китоб ҳолида чоп этилганида уни топиб ўқиш осон бўлмаган. Асарга энг забардаст адабиётшунос олимлар, соҳанинг етук мутахассислари ва ёзувчилар юксак баҳо берганлар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад шундай деб ёзган эди: “Дунёнинг ишлари” асарини қисса эмас, дoston деб аташни истардим. У қўшиқдай ўқилади. Уни ўқиб туриб, ўз оналаримизни ўйлаб кетамиз. Шу мушфиқ, шу жафокаш оналаримиз олдидаги бир умр узиб бўлмас қарзларимизнинг ақалли биттасини уза олдимки, деган бир андиша, бир савол кўз олдимизда кўндаланг туриб олади. Қисса бизни инсофга, инсонни қадрлашга, ҳурмат қилишга чақиради”. Яна бир Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов: “Назаримда, истеъдоднинг илоҳийлиги “Дунёнинг ишлари” қиссасида жуда аниқ кўринади. Энг жун, энг оддий ҳаёт воқеалари санъаткорлик сехри туфайли китобхоннинг бутун вужуди кираб оладиган, уни ҳаяжонга солиб завқлантирадиган қудрат касб этади”, деб ёзади. Профессор Ҳамидулла Болтабоев асарга шундай баҳо беради: “Асарнинг таъсир кучи шундаки, ҳар қандай китобхон ҳам қиссани ўқиб ўз онасини ўйлайди. Унга янада яхшироқ, меҳрибонроқ бўлишни, тирлигида қадрлашни дилга тугиб қўяди”.

Бундай ҳайрат тўла фикр-мулоҳазаларни, асарга берилган юксак баҳоларни

қўлаб келтириш мумкин. Агар қисса ҳақидаги китобхонларнинг мактубларини жамлайдиган бўлсак, бир неча жилдик китобларга айланади.

Уткир Хошимовнинг “Ҳазон бўлган баҳор”, “Инсон садоқати”, “Туйлар муборак”, “Виждон дориси”, “Қатагон” сингари саҳна асарларини томошабинлар яхши эслайдилар. Ёзувчининг қаламидан тўкилган ҳажвий ҳикоялари, ичакузди хангомаларни китобхонлар ҳаммаша қўлиб эслайдилар. Айниқса, унинг “Аждар”нинг тавбаси” китоби “Ўзбекистон” НМИУда қайта-қайта нашр этилаётгани ҳам адиб яратиб кетган кулгининг, ҳажвининг умри узоклигини дарак бериб турибди. “Саид Аҳмад сафарда”, “Кичик шумликлар” туркумидаги хангомалар, кулгили воқеалар озғани латифаларга айланиб кетгани боис, адабий давраларда, ижодий учрашувларда тиллардан тушмай келаётди.

Уткир Хошимов ёзганидек: “Асарнинг ҳақиқий эгаси ёзувчи эмас. Асарнинг ҳақиқий эгаси – ўқувчи! Китобхони йўқ асар эгаси ташлаб кетган ҳовлига ўхшайди...”

Уткир Хошимовнинг умри давомида ёзиб келган “Дафтар хошиясидаги биттиklar”и китоб ҳолида чоп этилиши билан ўқувчиларнинг сеvimли асарига айланди. Китоб ҳозирга қадар юз мингдан ортқ тираж билан ўн мартадан кўпроқ “Шарқ” НМАҚда чоп этиб келинаётгани ёзувчи асарларига ҳануз муҳаббат юксаклигини кўрсатиб турибди.

Ушбу асар китобхонларнинг чўнтагида олиб юрадиган, столи устида турадиган маънавий “дастурига” айланганига шубҳа йўқ.

Тошкент вилояти Кичик ва ёшлар sanoat зоналари дирекцияси вилоятда жойлашган кичик sanoat зоналаридаги бўй ер майдонлари бўйича танлов эълон қилади!

Эслатма: танлов Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 мартдаги 134-сон қарорига асосан амалга оширилади. Яъни, қарорнинг 3-бобида кўрсатилган талаблар асосида танловга чиқарилган ер майдони талабгорлар томонидан тақлиф этилган энг мақбул инвестиция лойиҳаси бўйича танлав олинди ва голибининг мажбуриятлари асосида аукцион савдоларига чиқарилади.

Ишчи орган: Тошкент вилояти Кичик ва ёшлар sanoat зоналари дирекцияси.

Манзил: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 92-уй. **Телефон:** +99895 324-24-99. **Электрон почта:** smallindustrialzone@gmail.com.

Мўлжал: Нурафшон шаҳри, вилоят Молия ва иқтисодийёт бошқармаси биносининг 3-қавати.

Танлов ўтказиш жойи ва санаси: танлов 2025 йил 3 январда Нурафшон шаҳри вилоят Молия ва иқтисодийёт бошқармаси биноси (3-қават) Кичик ва ёшлар sanoat зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекциясида бўлиб ўтади.

Талабгор тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати:

дирекцияга КСЗ худудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестиция бюртманомаси – 2 нусха;

муҳрланган конвертларда – тақлиф этилаётган инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси, инвесторнинг охириги уч йил (мавжуд бўлганда) давомидаги молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисида маълумот, талабгорнинг кўрсатилган соҳада иш тажрибаси ҳақида маълумот – 2 нусха.

Изоҳ: талабгор тақдим этаётган маълумотлар ва ҳужжатлар ВМнинг 03.09.2020 йилдаги 134-сон қарорининг 21, 23-бандларига мувофиқ бўлиши лозим. Шу билан бирга ишончилиги учун шахсан жавоб беради.

Инвестиция бюртманомалари солинган конвертларни тақдим этиш тартиби ва шакли:

танловда иштирок этиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили бевосита келиб ёки почта (хабардор қилган ҳолда бюртман хати) орқали дирекцияга КСЗ худудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун белгиланган шаклда тўлдирилган ва инвестиция бюртманомасини икки нусхада, муҳрланган конвертларда танлов ҳақидаги эълонда кўрсатилган муддатларда тақдим этиши белгиланган.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг имзоси билан тасдиқланиши лозим.

Бюртманома ва ҳужжатларни тақдим этиш муддати: 2024 йил декабрь.

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сонли Қарори ҳамда 2024 йил 4 январдаги ПФ-5-сон Фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 95-сон қарори талабларига мувофиқ “Ангрэн Бунёд Файз” МЧЖ, “Нурли йўл марвариди” МЧЖ, “Оҳангарон санитария тозалаш” МЧЖ, “Раҳнаом Сервис” МЧЖ, “Тоза Худуд” ДУК ва “Zero-Waste” МЧЖ томонидан Тошкент вилояти худудларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун 2025 йил 1 январдан қуйидаги тарифлар жорий этилмоқда:

- бир нафар аҳоли учун бир ойлик тўлов 7 минг сўм қўшилган қиймат солиғисиз, 7 минг 840 сўм қўшилган қиймат солиғи билан;
- юридик шахслар учун 1 м³ 74 минг сўм қўшилган қиймат солиғисиз, 82 минг 880 сўм қўшилган қиймат солиғи билан.

Мен роман ёздим. Бу иш учун икки ой вақтим кетди. Кечаю-кундуз тиним билганим йўқ. Роман бу ҳақда гапиришга уялмайдиган даражада бўлиб, қойилмақом чиқди. Қўлёзмами қўлтиқлаб, газета тахририятига бордим. – Қўлбола романларни чоп этамизми. – Ҳеч бўлмаса, бир кўз ташлан! – Ҳечам зарурати йўқ, халқ ўзимизнинг асар-

ва тоқатсиз-тутақишга йўғрилган овозда кутиб олиндим: – Э-э-э, сизга неча марта айтиш керак, биз фақат таржима асарларини нашр қиламиз! – Мен ҳам сизга Марк О’Брайн романининг таржимасини олиб келдим. – Ҳа, шунақами! Жуда яхши! Ким у Марк О’Брайн?

Азиз НЕСИН

«ТАРЖИМА» РОМАН

Ҳажвия

ларни ўқимайди. Ишим ҳам бўлмагач, қўлёзмами кўтариб нашарияга бордим. Энди оғзимни жуфтлаб: «Менда сизга аталган...» дейишга улгурмасимдан, жавоб олдим: «Биз фақат таржима қилинган романларни чоп этамиз».

Бошқасига олиб борувдим, унисиям олмади: – Мабодо, бирор таржима бўлса, олиб кела қолинг, бироқ янги асарлар сотилмапти. Қаёққа бормай, ўша гап. Икки ой тиним билмай, меҳнат қилиб, не-не умидлар билан ёзган романим эса, худди масжид дарвозаси олдига ташлаб кетилган ниҳоҳисиз тугилган боладек қўлимда қолиб кетди. Ана шундан кейинги на миямга бир аjoyиб фикр келиб қолди. Ҳамкасбларим ичида француз, немис, инглиз ва бошқа чет эл ёзувчиларининг ҳикояларини олиб, Жонсонларнинг ўрнига Аҳмадларни қўйиб, Марталарни Фотималарга алмаштириб, ўз имзоларини қўйиб журналларга топширганлар камми? Шунинг тексарисини қилсам, менга нима халақит қиларди?

Утирволиб ҳамма туркча исmlарни америкачасига ўзгартирдим. Нью-Йорк харитасини обдон ўрганиб чиқдим. Асаримдаги барча журғофик номлар америкача бўлди. Энди навбат муаллифга келган эди. Шу жойда мен Марк О’Брайн деб ном олган янги америкалик ёзувчини “дунёга келтирдим”. Бу ишларини қойилмақом қилиб, яна тахририятга йўл олдим



– Наҳотки сиз у ҳақида эшитмаганиз? Ахир, у машҳур ёзувчи-ку! Унинг китоблари дунёнинг барча тилларига таржима қилинган! Бунақа таърифдан кейин романни ўқиб чиқиш учун ҳеч қандай зарурат қолмаган эди ва қалам ҳақи олдиндан берилди. Фақат мендан бир нарсани илтимос қилинди: китобга қисқача тавсиф ва озгина муаллиф ҳақида ёзиш.

Қўлга қаламни олиб битишга тушиб кетдим-ку! «Марк О’Брайннинг сўнгги шоҳи асари –

«Аёл учун жанг» қўлингизда. Китоб Америкада шов-шув бўлган. Қирқ миллион нусхада тарқаб кетган. Бу бебаҳо ижод маҳсули дунёнинг барча тилларига таржима қилинган ва ниҳоят, мана, бизда ҳам «Туянинг боши» деган ном билан таржима қилинди».

Бироқ, бу Марк О’Брайн дегани ким ўзи? Ўзингиздан қолар гап йўқ, жаноб Марк О’Брайннинг таржимаи ҳолини шунақа тўқиб ташладимки!.. «Оиладаги ўн саккиз фарзанднинг кенжатоғи. Отаси – филладефийалик фермер, унинг черковда пастор бўлишини хоҳларди, бироқ ўн тўрт ёшидаёқ жони қаттиқлиги билан кўзга ташланиб қолган Марк илоҳиёт профессорининг орқасига игна санчиб олиб, мактабдан ҳайдалишга муваффақ бўлади. (Хуллас, машҳур америка ёзувчиларининг одатдаги ҳаёти). Балиқчилик ҳамда ноқонуний савдо билан шуғулланади. Бир муддат олтин изловчилик ҳам қилган (Буларнинг бари – ўзингизга маълум). Ниҳоят, қирқ ёшида ўзининг «Келинг, ўпшамиз» деб номланган ҳикоясини журналга жўнатди. Асар тили ва услуби шунақа расво эдики...»

Кўриб турганингиздек, узундан-узун таржимаи ҳол пайдо бўлди. Ана энди, бизнинг ёзганларимиз қанақа роман бўлишини кўриб қўйишини!

Ноширлар изимдан эргашиб юрадиган бўлишди: – Гапимизни ерда қолдирманг, бизга ҳам шу Марк О’Брайдан бирон нима таржима қилиб беринг!

Мен Марк О’Брайннинг роппа-роса ўн саккизта романини «таржима қилдим». Аммо иш шу билан чекланиб қолгани йўқ. Биласизми, машҳур изтопар Жек Леммер бор. Унинг асарларини ютоқиб ўқишади. Мен ана шу муаллифининг олти китобини «таржима қилдим». Кейинги пайтларда янада олға силжиб кетдим. Ҳозирги кунда хинд, хитой ва бошқа кўпгина тиллардан «таржималар қилияман».

Ана шунақа гаплар, азиз китобхон. Мана шу ташмашалар орасида, фақат бир нарсани менга таскил беради. Вақти келиб Америка адабиёти тарихини ўрганувчи одамлар турк романларини ўқишга мажбур бўлишади. Ушунда менинг бемисл орузим – Америка адабиётида Марк О’Брайн номи билан жой олиш ниъатим амалга ошади.

Турк тилидан Маҳмуд БЎРОН таржимаси



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Umhat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAQHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Behzod QOBULOV

G'ulomjon SAMADOV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchesi:

To'xtamurod HASANBOYEV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 20:30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1235.

2 830 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter makzida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456

УЛКАН ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг октябрь ойида Тошкент вилоятига ташрифи чоғида қишлоқ ҳужалиги соҳасида йўл қўйилган камчиликлар ва уларга ечим топмоқ учун қандай чоралар кўриш кераклиги хусусида ҳам кўп гаплар бўлди. Таъкидландики, сўнгги уч йилда вилоятдаги 21 минг гектар ер деҳқончилик учун 57 минг аҳолига берилган эди. Бу йил ҳам Тошкент вилоятидаги оилаларга деҳқончилик ва боғдорчилик учун қўшимча 5 минг гектар ер берилди. Умуман, вилоятни боғдорчиликда намунали ҳудуд қилиб, экспортни 300 миллион долларга етказиш чоралари кўрилади.

Йиғилишда айtilган бу фикрлар, жамоатчилик орасида кенг муҳокама-ларга сабаб бўлди. Айниқса, ҳар қарорнинг қадрига етиб, даладан дур ундириб келган пискентлик деҳқонларимиз Президентимиз уларга ишонч билдириб, катта имкониятлар берганидан хурсанд. Туманинг қадим "Мингтепа" маҳалласида истикомат қилувчи, бир йилда беш мартагача ҳосил оладиган уздабурон ҳамюртларимиз бундан байрамона кайфиятда кутиб олишди, десак муболага эмас.

Олмалик, Ангрен шаҳарлари ҳамда Охангарон ва Пискент туманлари

ёнма-ён жойлашган бўлиб, хом ашё захирасига жуда бой. Шу боис бу шаҳар ва туманларда ишлаб чиқаришни кооперация ва кластер асосида ташкил этиш учун янги тизим – "Санот-аграр" дастурини амалга оширишга қарор қилинганлиги туманимизда қишлоқ ҳужалиги билан бирга санотни ҳам ривожлантириш имконини беради. Туманимизда фаолият кўрсатаётган 3 та цемент заводининг кооперацияга қўшилиши натижасида транспорт харажатлари 20-30 фоизга камайиши ҳақида берилган тақлиф ушбу заводларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини янада ортиришни таъминласа, Президентимизнинг тақлиф ва топшириғи билан тумандаги 500 та хонадон чиннига бадий беизак бериш ишларига жалб этилиши, ҳамшаҳарларимизнинг азалий юмуши – ҳалқ хўнарамдчилигини янада ривожлантиришига ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбарининг туманимиздан ўтказган А-373 йўли бўйидаги 488 гектар ерда Янги Пискент санот шаҳри қурилиши ва бу ерда икки йилда 44 та лойиҳани ишга тушириш мумкинлиги ҳақида айтган фикрлари Пискентнинг яқин кунлардаги қиёфаси қай даражада ўзгаришини яққол кўрсатиб берди.

Бир сўз билан айтган бўлсак, Пискент тумани бугун ўз қиёфасига, салмоқли иқтисоди, ривож топаятган қишлоқ ҳужалиги ва буларнинг замирида фидойилик билан меҳнат қилаётган ҳалол ва пок инсонларига эга. Қишлоққа санотни олиб кириш, янги ишчи ўринлари яратиш, қишлоқ ҳужалик корхоналарини фақат хом ашё етказиб беришдан келгусида ўз маҳсулотларини қайта ишловчи ва истеъмол бозорига тайёр маҳсулотлар олиб чиқувчи корхоналарга айлантириш тумандаги энг долзарб ва муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалардан биридир.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Қишлоқ ҳужалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов туманимиздаги "Мингтепа" маҳалласида бўлиб, "Сайхун-обод" тажрибаси асосида аҳоли хонадонларида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Мазкур маҳаллада 617 та хонадон мавжуд бўлиб, аҳолининг 97 фоизи узумчиликдан даромад қилади. Ҳар бир хонадон ўртача 15-17 сотихли томорқасига эга. Бу ерда "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили бўйича ишлар яхши йўлга қўйилган. Аҳолининг узум етиштириш бўйича кўникмалари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Маҳаллада эрта баҳордан тоқларни ўз вақтида очиб, ғайрат билан меҳнат қилган инсон узум ҳосилга кирмасданқо даромад топа бошлайди. Гап шундаки, хонадон эгалари апрель-май ойларидаёқ ток барглари улғуржи сотиш билан дастлабки даромадларига эга бў-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

лишади. Ундан кейин эса ток қатор ораларига экилган сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳамда пишиб етилган узум ҳосили пешма-пеш бозорга чиқарилади. Шундай қилиб, ҳар бир оила ўз томорқасидан йилга 50-60 миллион даромад қилади.

Вазир аҳоли томорқаларида бўлиб, хонадон соҳиблари билан суҳбатлашар экан, юртимиз бўйлаб оммалаштирилган "Сайхун-обод" тажрибасининг мазмун-моҳиятини тушунтирди.

"Мингтепа"нинг пири бадавлат нурунийси Умаржон ота хонадонини ҳақиқий ибрат манзили, десак муболага бўлмайди. 4 фарзанд ва 16 набирани тарбиялаб, уларга меҳнатсеварлик ва инсонийлик туйғуларини сингдирган бу инсон асосий фаолиятини деҳқончиликка бағишлаган. Умаржон ота тинимсиз меҳнат орқали фаровонликка эришишни ўзининг шиори деб билади. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш бўйича маҳалладаги барча фуқароларга намуна бўлмоқда. Бу оила деҳқончилик ордиган йилига



вар ва ғайратли инсонлари томорқачилик орқали оиласини таъминлаб, маҳаллий бозорларни турли маҳсулотлар билан тўлдириб келмоқда. Улар нафақат рўзгорини бут қилмоқда, балки туманинг иқтисодий тараққиётига ҳам ҳисса қўшмоқдалар.

Айнан шу меҳнатқаш оилаларнинг фаолияти давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилгани туман

компанияси вакиллари билан ҳамкорликни бошлаганимиз. Ўзаро мулоқот давомида туманимиздаги инвестиция имкониятлари ҳақида батафсил маълумот бердик. Мазкур компания Хитойнинг энг илғор 500 та корхонаси қаторига киритилган. Ўйлаймани, навбатдаги келишувимиз туманинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли бандлиги таъминланиши йўлида яхши натижа беради.

"Зоминувул" ва "Дўстлик" маҳаллаларида ташкил этидик.

Умуман, жами 29 та маҳаллада ўтказилаётган очиқ мулоқотларда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, миграциядан қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш, камбағалликдан чиқариш, оилавий ажримларни қамайтириш ва жиноятчиликка қарши профилактика ишларини кучайтириш

Пискент: ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР манзили



Жалолiddин ЭСОНОВ олган суратлар

аҳолиси учун катта куч бағишлади. Бу илтифот улар учун янги имкониятлар эшигини очди, янги қадамлар ташлашга илҳомлантирди.

Афсуски, туманда томорқадан унумли фойдаланмаётган хонадонлар ҳам мавжуд. Биз улар билан алоҳида семинарлар ташкил этиб, тажрибалар алмаштирдик. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида йил якунигача 330 та хонадон камбағалликдан чиқарилиши кутилмоқда.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Жорий йилда Хитой Халқ Республикасида бўлиб, бир қанча соҳалар юзасидан икки томонлама музокаралар олиб бордик. Шандун провинциясининг Чинжоу шаҳрида Савдо-санот палатаси раиси ва тадбиркорлар билан учрашув ўтказилди. Унда икки томоннинг тақдирот намойиши бўлиб ўтди.

Музокараларда 20 га яқин йирик корхона вакиллари катнашди. Корхона раҳбарлари ўз заводлари фаолияти билан танишиш учун бизни тақлиф қилишди.

Мулоқотлар давомида Пискент туманида Хитойнинг Шандун провинциясидаги икки шаҳар – Чинжоу ва Веифанг шаҳарлари тадбиркорларини боғловчи "Тадбиркорлар уюшмаси"ни очиш юзасидан келишувга эришилди.

Чинжоу ва Веифанг шаҳарлари билан доимий алоқа ўрнатилиб, ишончли ҳамкор бўлдиқ. Эндиликда бу лойиҳани амалга ошириш натижасида хитойлик тадбиркорлар Пискентга бирон масала ёки тақлиф билан ташриф буюрса, айнан шу уюшмага мурожаат қилишлари мумкин бўлади.

Хитойнинг "China Dadi" корхонаси вакиллари билан учрашувимиз ҳам самарали ўтди. Мулоқот давомида қишлоқ ҳужалиги ўғитлари, туپроқ кондиционерлари ва пестицидлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа юзасидан фикрлар билдирилди. Мазкур янги лойиҳа юзасидан туманимизда завод қуриш тақлифи илгари сурилди.

Мазкур заводни қуриш бўйича лойиҳага киритилган инвестиция 5 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Келгусида янги лойиҳани қўллаб-қувватлаш орқали туман иқтисодиёти ва санотини янада ривожлантириш, шу билан бирга, янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Туманда префабрик дизайндаги қурилиш материаллари ҳамда мербель ишлаб чиқариш лойиҳаси юзасидан ҳам хитойлик инвесторлар билан учрашув ўтказилди. Мулоқотда лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда келгусидаги режалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Шинжон провинциясидаги "Xinjang Conch profile Co.,LTD"

ДАЛАДАН ДУР УНДИРИБ...

Жорий йилда пилла мавсуми бошланиши аввалдан давлатимиз раҳбари раислигида чарм ва ипак санотини мавжуд имкониятларини ишга солиш, жойларда "Сайхун-обод" тажрибаси асосида аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда ипакчиликдаги муаммо ва имкониятларга тўхталиниб, бу соҳага охириги 7 йилда катта эътибор берилгани, кластер тизими жорий қилингани таъкидланди.

Шунингдек, пилла харид нархи 25 фоизга оширилгани, пиллакорлар даромад ва ижтимоий солиқлардан озод қилингани, туздорлар учун ер солиғининг 10 фоизи тўлиниши соҳада катта имкониятлар эшигини очди, дейиш мумкин.

Бу ғамхўрликларни дилдан ҳис қилган пискентлик пиллакорлар вилоятда биринчилардан бўлиб режани бажардилар. Туман бўйича ҳам жорий йилда 2 минг 840 қути ипак курти парвариланиб, 168,1 тонналик давлат шартнома режаси ўдаланди. Айниқса, жараёнда 6 минг 130 нафар шижоатли ёшларимиз ҳам иштирок этгани қувонарли.

Жорий йил ғаллакорларимиз ва пахтакорларимиз учун ҳам самарали келди. Туманда 2024 йилда 8 минг гектар ер майдонида эртапишар ғалла навлари парвариланиб, 25 июнь кунини ҳолатига дон корхоналарига жами 22 минг 971 тонна дон сотилди ҳамда шартномавий режа 100,7 фоизга бажарилди.

Туманда жорий йилда 153 та фермер ҳўжаликлари томонидан 6 минг 411 гектар ер майдонига пахта экилган эди. Ушбу майдонлардан 24 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёси йиғиб-териб олинди.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

Туманда иш бошлаганимдан кейин шу нарсани ҳис этдикми, Юртбошимиз йиғилишларда таъкидлаганидек, раҳбар халқ орасида бўлиб, одамлар билан дилдан суҳбатлашиб, муаммоларига ечим топиб, уларни рози қилгандагина ҳар бир ишда барака бўлар экан. Аҳоли билан мулоқотларимизни давом эттирар эканмиз, уларнинг дарду ташвишларини тинглаш, оғирини енглиш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиш бериш биз, масъулларнинг асосий вазифамизга айланмоқда.

"Ғайрат" маҳалласида фуқаролар билан ўтказилган қабулда аҳоли мурожаатлари ўрганилиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларга мутасадди раҳбарлар билан биргалликда ечим изладик. Қабул давомида 60 га яқин тақлиф ва муаммо тинланди. Айримларига шу ернинг ўзиде ечим излаган бўлсак, аксарияти масъулларга вазифа сифатида белгилаб берилди.

Аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини тинглаш ва ҳал этиш мақсадида навбатдаги учрашувларни "Оқтепа",

Музаффар АРИПОВ,
Пискент тумани
ҲОКИМИ